



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2023 yil «12» июнь

№ ПФ–92

**Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ташкил қилинганлиги
муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг
айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек,
баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПФ–14-сон Фармони** ҳамда 2023 йил 7 апрелдаги “Маъмурий ислохотлар доирасида ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПҚ–114-сон қарорига** мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ қўйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

Ёшлар ишлари агентлигининг **21 нафар штат бирликларини** Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги **марказий аппарати**га ўтказиш орқали ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ва мувофиқлаштириш бўйича таркибий бўлинмани ташкил қилиш;

Ёшлар ишлари агентлиги зиммасига **ёшларни қўллаб-қувватлаш** ҳамда **уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш** билан боғлиқ **қўшимча вазифалар** юклаш, шунингдек, агентликнинг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги **айрим вазифаларини Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига ўтказиш;**

Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика **комиссиясининг янгиланган таркибини тасдиқлаш;**

Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатига халқаро спорт федерация (ассоциация)лари талаб ва тавсияларига асосан халқаро спорт мусобақалари ҳамда профессионал спортчилар учун зарур бўладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган спорт анжомлари, ускуналари, кийимлари ва бошқа жиҳозларни қўшиш;

“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ўтказиладиган мусобақаларда спорт турларини кўпайтириш, шунингдек, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида тегишли спорт турлари бўйича мусобақаларни ташкил қилиш;

ҳар йили Наврўз умумхалқ байрами арафасида Қорабайир зотли отлар иштирокида халқаро чавандозлар мусобақасини республиканинг қолган ҳудудларида ҳам ўтказиш;

қўл жангини янада оммалаштириш, салоҳиятли ёшларни селекция қилиш ва профессионал спортга йўналтириш мақсадида спорт мактабларида қўл жанги бўйича тўгараклар фаолиятини ташкил қилиш;

Осиё Олимпия Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ Ханчжоу шаҳрида (Хитой) бўлиб ўтадиган XIX ёзги Осиё ва IV Параосиё ўйинларини 2022 йилдан 2023 йилга кўчириш ва шу муносабат билан Ўзбекистон спортчиларининг комплекс тайёргарлигини ташкил этиш;

Халқаро кураш институтини 2025 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Ёшлар ўртасида IV ёзги Осиё ва V Параосиё ўйинларини ўтказиш учун барпо қилинаётган Олимпия шаҳарчасида жойлаштириш;

амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан эскирган, ўз аҳамиятини йўқотган ва бир-бирини такрорловчи нормаларни чиқариб ташлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси К.К. Куранбаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
айрим ҳужжатларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5368-сон Фармонида:

а) 1-бандда:

биринчи хатбошидаги “Туризм ва спорт вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади), Молия вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказини (кейинги ўринларда – Марказ)” сўзлари “Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтини (кейинги ўринларда – Институт)” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банднинг учинчи хатбошисидаги “Марказ” ҳамда “касб-ҳунар таълими” сўзлари тегишинча “Институт” ҳамда “профессional таълим, шунингдек олий таълим” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 4-бандда:

учинчи хатбошидаги “болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари” сўзлари “спорт мактаблари” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари” сўзлари “ихтисослаштирилган спорт мактаблари” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 5-банднинг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5416-сон Фармонига 1-иловининг 9-позицияси “Масъул ижрочилар” устунидagi “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Ш.Исроилов), Маданият вазирлиги (Б.Сайфуллаев), “Ўзбеккино” МА (Ф.Зокиров), МТРК (А.Хаджаев), ЭОАВМА (Ф.Абдухаликов)” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов), Маданият ва туризм вазирлиги (О.Назарбеков), МТРК (А.Хаджаев), Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси (А.Абуталипов)” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПФ–5439-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-банди биринчи хатбошисидаги “Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги” ҳамда “Ёшлар ишлари агентлиги” сўзлари тегишинча “Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги” ҳамда “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5630-сон Фармонининг 6-банди “б” кичик банди тўртинчи хатбошисидаги “Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Спортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Спортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига” сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ–5712-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига иловада:

а) 22-позициянинг “Масъул вазирлик ва идоралар” устунидagi “Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 23-позициянинг “Масъул вазирлик ва идоралар” устунидagi “Спортни ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 24-позициянинг “Масъул вазирлик ва идоралар” устунидаги “Халқ таълими вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги” сўзлари “Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 августдаги “Жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5787-сон Фармонида:

а) 1-банддаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик), Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банднинг еттинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

в) 8-бандда:

“а” кичик бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

“б” кичик банднинг учинчи хатбошисидан “туман (шаҳар) спорт бўлимларини сақлаш ҳамда” сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 16-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси К.К. Куранбаев ва Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазири А.И. Икрамов” сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5887-сон Фармонида:

а) 2-банднинг бешинчи хатбошисидаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошиларидаги “олимпия захиралари коллежларини” ва “олимпия захиралари коллежлари” сўзлари тегишинча “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларини” ва “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 5-банднинг учинчи хатбошисидаги “Спортни ривожлантириш вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 6-бандда:

биринчи хатбошисидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошисидаги “Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 7-бандда:

“а” кичик банднинг тўртинчи хатбошисидаги “болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг” сўзлари “спорт мактабларининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

“б” кичик банднинг биринчи хатбошисидаги “болалар-ўсмирлар спорт мактаблари” сўзлари “спорт мактаблари” сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 1-илова қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Ўзбекистонда профессионал футболни ривожлантириш
схемаси**

Тайёргарлик даражалари	Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддат	Ёш	Мақсад
Биринчи йўналиш: футбол машғулотларига болалар ва ўсмирларни жалб қилиш. Футбол билан шўғулланишга қизиқишни тизимли ошириб бориш	I босқич	Мактабгача таълим ташкilotлари	1. Мактабгача таълим ташкilotларининг тарбияланувчиларини футболга қизиқтириш учун футбол бўйича ўйин шаклида кўргазмали дарсларни ташкил этиш. 2. Мактабгача таълим ташкilotларининг тарбияланувчилари ўртасида доимий	Жадвал асосида ҳафтасига камида бир маротаба	3–6 ёш	Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний тарбия ва спортга, шу жумладан футболга бўлган қизиқишини уйғотиш.

Тайёргарлик даражалари	Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддат	Ёш	Мақсад
			тарзда футбол бўйича фестиваллар ва қизиқарли кўнгилочар тадбирлар ўтказиш.			
	II босқич	Умумтаълим мактаблари	1. Ҳар бир туман (шаҳар) умумтаълим мактаблари ўртасида доимий равишда “Мактабларда футбол” мусобақаларини ўтказиб бориш. 2. “Мактабларда футбол” мусобақаларини туман (шаҳар) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларига ажратилган маблағлар, шунингдек, Ўзбекистон футбол ассоциацияси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш. 3. “Мактабларда футбол” мусобақаларини ўтказиш натижалари бўйича иқтидорли ўқувчиларни туман (шаҳар) спорт мактабларининг футбол бўлинмалари ҳамда хусусий футбол мактабларига саралаб олиш (селекция).	Йилига камида икки маротаба	7–14 ёш	Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия ва спорт билан, шу жумладан футбол билан мунтазам шуғулланиш. Футбол орқали инсоннинг шахсини шакллантириш ва ундан индивидуал қобилиятларни рўёбга чиқарувчи ижтимоий лойиҳа сифатида фойдаланиш.
Иккинчи йўналиш: ҳаваскор футболни оммалаштириш	III босқич	Туман (шаҳар) спорт мактаблари футбол бўлинмалари ва хусусий футбол мактаблари	1. Туман (шаҳар) спорт мактаблари футбол бўлинмалари, ихтисослаштирилган спорт мактаблари ва хусусий футбол мактаблари ўртасида ёш тоифасидан келиб чиқиб белгиланган меъёрлар асосида “Спорт мактаблари футбол лигаси”	Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларига мувофиқ	12–17 ёш	Футбол мактаблари, хусусий футбол мактаблари ва профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол академияларида иқтидорли ва қобилиятли футболчиларнинг таркибини шакллантириш.

Тайёргарлик даражалари	Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддат	Ёш	Мақсад
			мусобақаларини ўтказиб бориш. 2. “Спорт мактаблари футбол лигаси” мусобақаларини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштириш. 3. “Спорт мактаблари футбол лигаси” мусобақалари ўтказиш натижалари бўйича Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги футбол мактаблари (кейинги ўринларда – футбол мактаблари), футбол академиялари, хусусий футбол мактаблари, профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол академияларига, терма жамоаларга футболчиларни саралаб олиш (селекция).			
Учинчи йўналиш: ҳаваскор футболдан бошланғич профессионал футбол билан шуғулланишга ўтиш	IV босқич	Футбол мактаблари, футбол академиялари, хусусий футбол мактаблари ва профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол академиялари	1. Футбол мактаблари, хусусий футбол мактаблари ва профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол академияларида ёш тоифасидан келиб чиқиб, белгиланган меъёрлар асосида “Профессионал футбол мактаблари лигаси” мусобақаларини ўтказиб бориш. 2. “Профессионал футбол мактаблари лигаси” мусобақалари	Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларига мувофиқ	13–17 ёш	Профессионал футболчиларни профессионал футбол клублари учун ягона дастур асосида тайёрлаш.

Тайёргарлик даражалари	Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддат	Ёш	Мақсад
			ўтказиш натижалари бўйича терма жамоаларга ва профессионал футбол клубларига футболчиларни саралаб олиш (селекция). 3. “Профессионал футбол мактаблари лигаси” мусобақаларини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштириш. 4. Футбол мактаблари, футбол академиялари, хусусий футбол мактаблар ва профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол академиялари футболчиларининг томонидан республика ҳамда халқаро миқёсдаги мусобақаларда иштирок этиши.			
Тўртинчи йўналиш: профессионал футбол билан шуғулланиш	V босқич	Худудий футбол академиялари, профессионал футбол клублари	Футбол бўйича профессионал фаолиятни олиб бориш.	Шартнома асосида	16 ёш-дан юқори	Футбол бўйича спорт маҳоратини ошириш.
	VI босқич	Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги Республика футбол академияси	Футбол бўйича турли ёш тоифасидаги терма жамоалар таркибини шакллантириш.	Режага асосан	16 ёш-дан юқори	
	VII босқич	Хорижий футбол клублари	Чет давлатларда футбол фаолияти билан шуғулланиш.	Шартнома асосида	18 ёш-дан юқори	Халқаро даражадаги футбол ўйинларига тайёргарлик кўриш.

Тайёргарлик даражалари	Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддат	Ёш	Мақсад
						Ўзбекистон терма жамоалари учун сифатли захирани шакллантириш”;

ж) 2-иловада:

3-бобда:

ўн олтинчи ва ўттизинчи хатбошилардаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

ўттиз иккинчи хатбошидаги “олимпия захиралари коллежлари” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

ўттиз еттинчи хатбошидаги “болалар-ўсмирлар спорт мактаблари” сўзлари “спорт мактаблари сўзлари билан алмаштирилсин;

қирқ тўртинчи хатбошидаги “болалар-ўсмирлар спорт мактабларида” сўзлари “спорт мактабларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

олтмиш тўртинчи хатбошидаги “болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг” сўзлари “спорт мактабларининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

етмиш тўққизинчи – саксон биринчи хатбошилардаги “болалар-ўсмирлар спорт мактаблари” сўзлари “спорт мактаблари” сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 3-иловада:

23-позициянинг “Масъул ижрочилар” устундаги “Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р.Маматов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Қурилиш вазирлиги (Б.Зокиров), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Умурзаков), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д.Набиев)” сўзлари “Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Мусаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Б.Зокиров), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л.Қудратов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев), Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов)” сўзлари билан алмаштирилсин;

30-позициянинг “Тадбирлар номи” устунидаги “болалар-ўсмирлар спорт мактаблари” ҳамда “Масъул ижрочилар” устунидаги “Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д.Набиев), Молия вазирлиги (Т.Ишметов)” сўзлари тегишинча “спорт мактаблари” ҳамда “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев)” сўзлари билан алмаштирилсин;

36-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д.Набиев), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Камилов)” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов), Ташқи ишлар вазирлиги (Б.Саидов)” сўзлари билан алмаштирилсин;

50-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Камилов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д.Набиев)” сўзлари “Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Ташқи ишлар вазирлиги (Б.Саидов), Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов)” сўзлари билан алмаштирилсин;

52-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д.Набиев)” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов)” сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 4-иловада:

1-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Мактабгача таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари “Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

4 – 9-позицияларнинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

10-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

11-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қурилиш вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

12 – 14-позицияларнинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

16-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Молия вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Маданият вазирлиги” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

17 – 32-позицияларнинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

к) 5-илованинг номидаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари ҳамда изоҳ қисми 1-бандидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5924-сон Фармонида:

а) 1-банднинг бешинчи хатбошисидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банднинг олтинчи хатбошисидаги “Туризм ва спорт вазирлигининг” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 13-бандда:

биринчи хатбошидаги “Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги” сўзлари “спорт мактабларидаги” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“18. Мазкур Фармон ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазири А.И. Икрамов – Концепциянинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш, Концепция ва “Йўл харитаси”ни ижро этиш юзасидан барча зарур чоралар кўрилишини таъминласин, жисмоний тарбия ва спортни аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида оммалаштириш борасида спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар) билан яқиндан ҳамкорлик қилсин, соҳада таъсирчан жамоатчилик назоратини ташкил этсин, мазкур Фармонда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда унинг ижроси бўйича ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин;

Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Б.И. Закиров – инновацион технологияларга асосланган, арзон, энергия тежамкор ва тез барпо этиладиган енгил конструкция ва материаллардан спорт заллари (бокс, кураш, фитнес, гимнастика), футбол, волейбол, баскетбол, бадминтон ва теннис майдонларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилишини ҳамда ушбу соҳада мавжуд қурилиш норма ва стандартлари қайта кўриб чиқилишини таъминласин, шунингдек, қурилиш-монтаж ишлари сифатли бажарилиши устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар) ҳокимлари – ҳудудларни устувор, истиқболдаги ҳамда ривожланаётган спорт турларига ихтисослаштириш бўйича ишларни самарали ташкил қилсин, спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларига мувофиқ ҳудудий спорт мусобақаларини тўлиқ ҳажмда молиялаштириш ҳамда юқори савияда ўтказиш бўйича зарур чораларни кўрсин;

масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари – Концепция ва “Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, ишчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш юзасидан барча чораларни амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси А.Д. Хаджаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори А.А. Ходжаев – мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, пресс-конференциялар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсин”;

е) 1-иловада:

1-банднинг учинчи хатбошисидаги “болалар-ўсмирлар спорт мактаблари” сўзлари “спорт мактаблари” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-бандда:

қирқ олтинчи хатбошидаги “Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига” сўзлари “спорт мактабларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

эллик учинчи хатбошидаги “болалар-ўсмирлар” сўзлари “спорт мактаблари” сўзлари билан алмаштирилсин;

5.2-банднинг олтинчи хатбошисидаги “болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида” сўзлари “спорт мактабларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

5.4-банднинг ўн саккизинчи хатбошисидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

5.5-банднинг бешинчи, еттинчи, саккизинчи ва ўттиз иккинчи хатбошиларидаги “болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари” сўзлари “спорт мактаблари” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг олтинчи хатбошисидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5975-сон Фармонида:

а) 1-банднинг “б” кичик банди олтинчи хатбошисидаги “Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Маданият вазирлиги” сўзлари “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда Маданият ва туризм вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 8-банддаги “Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Маданият вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги” сўзлари “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6017-сон Фармонида:

а) 1-банд “Ўзбекистон Республикаси” сўзларидан кейин “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини қамраб олган бешта муҳим ташаббусни кенг жорий этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

ёшларни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодни илм-фан ва инновацияларга кенг жалб этиш, уларни “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари!” ғояси атрофида бирлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикаси, шу жумладан, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этиш;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик қилиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож, етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлардан жабрланганлар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган ёшларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш;

ёшларнинг интеллектуал ривожланишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш;

ёшларнинг бандлиги ва тадбиркорлигига кўмаклашиш;

ёшлар аудиториясига мўлжалланган медиа маҳсулотлар яратишга кўмаклашиш”;

в) 3-банднинг ўн бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

г) 5-банднинг “в” кичик банди биринчи хатбошисидаги “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги” сўзлари “Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 11-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси К.К. Куранбаев” сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 12-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси К.К. Куранбаев ва Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазири А.И. Икрамов” сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 1-иловада:

1-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), “Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов)” сўзлари “Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов), Савдо-саноат палатаси (Д.Вахабов)” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-позицияда:

“Тадбирлар номи” устунидан “қудуқлар бурғулаш (қазиш), суғориш воситалари харид қилиш, енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш” сўзлари чиқариб ташлансин;

“Масъул ижрочилар” устунидаги “Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Ортиқов)” сўзлари “Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Мусаев), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев)” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Камилов)” сўзлари “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов), Ташқи ишлар вазирлиги (Б.Саидов)” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов)” сўзлари “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов)” сўзлари билан алмаштирилсин;

8-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов)” сўзлари “Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов)” сўзлари билан алмаштирилсин;

9-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Ахборот технологиялари вазирлиги (Ш.Содиқов)” сўзлари “Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов)” сўзлари билан алмаштирилсин;

10-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги” сўзлари “Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

16-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Камилов)” сўзлари “Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Мусаев), Ташқи ишлар вазирлиги (Б.Саидов)” сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6079-сон Фармонида:

а) 18-илованинг 15 – 17-позициялари “Ижрочилар” устунидаги “Спорт вазирлиги (Д.Набиев), Туризм қўмитаси (А.Аккулов), Ахборот технологиялари вазирлиги (О.Пекосъ)” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов), Маданият ва туризм вазирлиги (О.Назарбеков), Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов)” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 23-илованинг 7.1-позицияси “Ташкилотлар” устунидаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6099-сон Фармонида:

а) 9-банднинг биринчи хатбошисидаги “Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари “Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 14-банднинг биринчи хатбошисидаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 16-банднинг биринчи хатбошисидаги “Халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари “Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 23-банднинг учинчи хатбошисидаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 26-банднинг биринчи хатбошисидаги “Мақтабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари “Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 34-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдурахимов” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси К.К. Куранбаев ва Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазири А.И. Икрамов” сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 1-иловада:

4-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Мажидов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д.Набиев)” сўзлари “Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов), Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов)” сўзлари билан алмаштирилсин;

19-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Мақтабгача таълим вазирлиги (А.Шин), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д.Набиев)” сўзлари “Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов)” сўзлари билан алмаштирилсин;

20-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (И.Абдурахмонов)” сўзлари “Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов), Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов)” сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги ПФ–6165-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида туристлар оқимини шакллантириш ва улар учун зарур шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари дастурининг 19-позицияси “Ижро учун масъуллар” устундаги “Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У.Азамов), Маданият вазирлиги (О.Назарбеков), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Камилов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (А.Тошқулов)” сўзлари “Маданият ва туризм вазирлиги (О.Назарбеков), Ташқи ишлар вазирлиги (Б.Саидов), Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов)” сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 февралдаги “Давлат хизматчилари ва мутахассисларни хорижда тайёрлаш ҳамда уларнинг салоҳиятини янада ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6168-сон Фармони 3-иловасининг ўн олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“А.З. Саъдуллаев – Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг биринчи ўринбосари – Ёшлар ишлари агентлиги директори”.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 мартдаги “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ–6195-сон Фармонининг 23-банди тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“мактабгача ва мактаб таълими вазири Х.Умарова, олий таълим, фан ва инновациялар вазири И.Абдурахмонов ва ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг биринчи ўринбосари – Ёшлар ишлари агентлиги директори А.Саъдуллаев зиммасига – тиббий-ижтимоий муассасаларда кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳолидан хабардор бўлиш ва ёш авлодни кексаларга нисбатан ғамхўрлик руҳида тарбиялаш ташкил этилиши учун”.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги ПФ–6218-сон Фармони билан тасдиқланган 2022–2025 йилларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонунчилик тармоқлари бўйича тизимлаштириш дастурининг 37-позицияси “Масъул давлат органлари” устундаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6260-сон Фармонининг 10-банди тўртинчи хатбошисидаги “Ёшлар ишлари агентлиги (А.З. Саъдуллаев)” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.И. Икрамов)” сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–46-сон Фармонининг 9-банди биринчи хатбошисидаги “Ёшлар ишлари агентлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги ПФ–87-сон Фармони билан тасдиқланган 2022–2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастурни 2022–2023 йилларда амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режасининг 60-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“60.	Хотин-қизлар ўртасида спортни оммалаштириш.	1. Маҳаллаларда хотин-қизларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб спорт тўғаракларини ташкил қилиш. 2. Туман (шаҳар)ларда секторлараро спорт мусобақалари, шу жумладан: уй-бекалари ўртасида “Спорт маликалари” спорт ҳафталиги; оилавий жамоалар ўртасида “Соғлом оила – Янги Ўзбекистон таянчи” шиори остида уч босқичли спорт мусобақаларини ўтказиш.	2022–2023 йиллар доимий 2022–2023 йиллар доимий	Ҳисоб-китобларга асосан, маҳаллий бюджет маблағлари	Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари”.
------	---	--	---	---	---

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПФ–134-сон Фармони билан тасдиқланган 2022–2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурнинг 34-позицияси “Ижро учун масъуллар” устундаги “Халқ таълими вазирлиги (Саидов), Спортни ривожлантириш вазирлиги (Икрамов), Молия вазирлиги (Ишметов)” сўзлари “Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Умарова), Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (Икрамов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Кудбиев)” сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрдаги “2023 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги ПФ–270-сон Фармонининг 4-банди учинчи хатбошисидаги “Ёшлар ишлари агентлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–14-сон Фармонида

а) 4-банднинг учинчи хатбошисидаги “уч ой муддатда” сўзлари “2023 йил 1 августга қадар” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 9-банднинг биринчи хатбошисидаги “уч ой муддатда” сўзлари “2023 йил 1 августга қадар” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-илованинг 15-бўлими қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“15. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги				
	Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги	490	490	
	<i>шу жумладан вазир ўринбосарлари сони</i>	4	4	
1.	Ёшлар ишлари агентлиги	969	969	
	<i>шу жумладан директор ўринбосарлари сони</i>	3	3”.	

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 1 апрелдаги “Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–1315-сон қарорида:

а) 1-банддаги “Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг”, “болалар-ўсмирлар спорт мактабларида” ҳамда “спорт устози” сўзлари тегишинча “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг”, “спорт мактабларида” ҳамда “тренер” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банддаги “спорт устозлари” сўзлари “тренерлари” сўзи билан алмаштирилсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 5 майдаги “Болалар спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–1332-сон қарорининг 9-бандидаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига” ҳамда “Халқ таълими вазирлиги” сўзлари тегишинча “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига” ҳамда “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 23 ноябрдаги “Олий маҳорат спорт мактабларини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–2438-сон қарорида:

а) 2-банднинг бешинчи хатбошисидаги “болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия захиралари коллежлари” сўзлари “спорт мактаблари, олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Туризм ва спорт вазирлигига” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 9-банднинг учинчи хатбошисидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 2-иловада:

3-позициядаги “Қурилиш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-позициядаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” ҳамда “Молия вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” ҳамда “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

8 ва 10-позициялардаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

11-позициядаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” ҳамда “Молия вазирлиги” сўзлари тегишинча “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” ҳамда “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

13-позициядаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-бўлим номидаги “Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия захиралари коллежлари” сўзлари “Спорт мактаблари, олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

15-позициядаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

16 – 19-позициялардаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

20-позициядаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

21-позициядаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” ҳамда “Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги” сўзлари тегишинча “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” ҳамда “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

23-позициядаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 7 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида спортнинг гимнастика турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2654-сон қарорида:

а) 1-банднинг иккинчи хатбошиси, 2-банд ҳамда 5-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг номидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ–2691-сон қарорининг 3-банди ўнинчи хатбошисидаги “болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига” сўзлари “спорт мактабларига” сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3151-сон қарорида:

а) 1-илованинг 1-позицияси “Бириктирилган олий таълим муассасалари” устуни 6-позициясидаги “Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти” сўзлари “Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-иловада:

3-позициянинг “Масъул вазирлик ва идоралар” устунидаги “Давлат солиқ қўмитаси”, “Автомобиль йўллари давлат қўмитаси”, “Маданият вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси” сўзлари тегишинча “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги”, “Транспорт вазирлиги” ҳамда “Маданият ва туризм вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-позициянинг “Масъул вазирлик ва идоралар” устунидаги “Автомобиль йўллари давлат қўмитаси”, “Маданият вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси”, “Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги”, “Давлат солиқ қўмитаси” ҳамда “Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси” сўзлари тегишинча “Транспорт вазирлиги”, “Маданият ва туризм вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги”, “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги”, “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” ҳамда “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

19-позициянинг “Масъул вазирлик ва идоралар” устунидаги “Давлат солиқ қўмитаси”, “Автомобиль йўллари давлат қўмитаси”, “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги” ҳамда “Маданият вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси” сўзлари тегишинча “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги”, “Транспорт вазирлиги”, “Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги” ҳамда “Маданият ва туризм вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги “Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларини жамоат ва спорт ишларига кенг жалб этиш ҳамда спортчиларни ва уларнинг тренерларини рағбатлантириш тўғрисида”ги ПҚ–3196-сон қарорида:

иккинчи хатбошидаги “Туризм ва спорт вазирлиги”, “болалар-ўсмирлар спорт мактаблари”, “ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари”, “олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари” сўзлари тегишинча “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги”, “спорт мактаблари”, “ихтисослаштирилган спорт мактаблари”, “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги “Туризм ва спорт вазирлиги (А.Абдухакимов)” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов)” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 5-бандда:

иккинчи хатбошидаги “болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари” сўзлари “спорт мактаблари, ихтисослаштирилган спорт мактаблари” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари”, “олимпия ва паралимпия захиралари коллежларига” сўзлари тегишинча “спорт мактаблари ва ихтисослаштирилган спорт мактаблари”, “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги “болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари” ҳамда “олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари” сўзлари тегишинча “спорт мактаблари, ихтисослаштирилган спорт мактаблари” ҳамда “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги “олимпия ва паралимпия захиралари коллежларининг” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 6-бандда:

биринчи хатбошидаги “Республика олимпия захиралари коллежи базасида” сўзлари “Самарқанд шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 17а-уй манзили бўйича” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “олимпия ва паралимпия захиралари коллежларини” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 8-бандда:

тўққизинчи хатбошидаги “Туризм ва спорт вазирлигига” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига” сўзлари билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 10-бандда:

иккинчи – бешинчи хатбошиларидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи ва еттинчи хатбошиларидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” ҳамда “олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари” сўзлари тегишинча “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” ҳамда “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 13-бандда:

биринчи хатбошидаги “Бош вазир ўринбосари А.А. Абдухакимов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси Р.М. Шаабдурахманов” сўзлари “ёшлар сиёсати ва спорт вазири А.И. Икрамов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси бош котиби О.О. Касимов” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси К.К. Куранбаев” сўзлари билан алмаштирилсин.

73. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “Спорт-таълим муассасалари фаолиятини 2025 йилгача ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ПҚ–5280-сон қарорида:

а) 1-банднинг бешинчи хатбошисидаги “олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банд “а” кичик банди тўртинчи хатбошисидаги “олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 6-банднинг биринчи хатбошисидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 7-бандда:

иккинчи хатбошидаги “Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи ва еттинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

д) 12-бандда:

биринчи хатбошидаги “Бош вазир ўринбосари А.А. Абдуҳакимов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси Р.М. Шаабдурахманов” сўзлари “ёшлар сиёсати ва спорт вазири А.И. Икрамов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси бош котиби О.О. Касимов” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси К.К. Куранбаев” сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 1-иловининг 2-бобида:

“а” кичик бандда:

олтинчи хатбошидаги “болалар-ўсмирлар спорт мактаблари” сўзлари “спорт мактаблари” сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбошидаги “Туризм ва спорт вазирлигининг” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

“б” кичик бандда:

учинчи хатбошидаги “болалар-ўсмирлар спорт мактаблари” сўзлари “спорт мактаблари” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги “болалар-ўсмирлар спорт мактабларида” сўзлари “спорт мактабларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги “болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларига” сўзлари “спорт мактаблари ҳамда ихтисослаштирилган спорт мактабларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

“в” кичик банднинг олтинчи хатбошисидаги “олимпия ва паралимпия захиралари коллежларида” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

“г” кичик банднинг учинчи хатбошисидаги “олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

“д” кичик банднинг олтинчи хатбошисидаги “олимпия ва паралимпия захиралари коллежларини” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

“е” кичик банднинг тўртинчи хатбошисидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

“ж” кичик банднинг тўртинчи хатбошисидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

“з” кичик банднинг бешинчи хатбошисидаги “олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 2-иловада:

1-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1.	Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларининг моддий-техника базасини янада яхшилаш.	1. Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларини замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш рўйхатини тасдиқлаш.	2021 йил декабрь	-	Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
		2. Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларининг моддий-техника базасини янада яхшилаш юзасидан қуйидаги мақсадлар учун маблағлар ажратиш: қурилиш-таъмирлаш ишларига 50 миллиард сўм; энг сўнгги замонавий спорт жиҳозлари ва асбоб-ускуналари билан таъминлашга 10 миллиард сўм; замонавий ўқув адабиётларини чоп этиш учун 2 млрд сўм; тиббиёт бўлимларини замонавий асбоб-ускуналар	2022 йил давомида	Давлат бюджети маблағлари	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги

		билан жиҳозлашга 10 миллиард сўм.			
		3. Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида тиббиёт бўлимларини ташкил этиш.	2022/2023 ўқув йилидан бошлаб	Давлат бюджети маблағлари	Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги”;
		4. Кардиология, травматология, стоматология йўналишлари бўйича замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда малакали мутахассисларни жалб қилиш чораларини кўриш.			

8-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги”, “Молия вазирлиги” сўзлари тегишинча “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги”, “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

9-позицияда:

“Тадбир номи” устунидаги “болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари” сўзлари “спорт мактаблари, ихтисослаштирилган спорт мактаблари” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Амалга ошириш механизми” устунидаги “Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари” сўзлари “Спорт мактаблари ҳамда ихтисослаштирилган спорт мактаблари” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Масъул ижрочилар” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

13 – 15-позицияларнинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 3-иловада:

2-позиция чиқариб ташлансин;

3-позициянинг “Кўрсаткичлар” устунидаги “болалар-ўсмирлар спорт мактабларида”, “ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида”, “олимпия ва паралимпия захиралари коллежларида” ҳамда “Масъул ижрочилар” устунидаги “Спортни ривожлантириш вазирлиги” сўзлари тегишинча “спорт мактабларида”, “ихтисослаштирилган спорт мактабларида”, “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида” ҳамда “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-позиция чиқариб ташлансин;

5-позицияда:

“Ўлчов бирлиги” устунидаги “жами ўқувчи-спортчилар сонига нисбатан” сўзлари “белгиланган тартибда спортчи паспорти берилиши лозим бўлган ўқувчи-спортчилар сонига нисбатан” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Масъул ижрочилар” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

6, 7 ва 8-позициялар чиқариб ташлансин;

9 ва 10-позицияларнинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

11-позицияда:

“Кўрсаткичлар” устунидаги “олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Масъул ижрочилар” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 4-иловада:

номидаги “олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

1 – 14-позицияларнинг “Коллежлар” устунидаги “олимпия ва паралимпия захиралари коллежи” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

15-позициянинг “Коллежлар” устунидаги “олимпия захиралари коллежи” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин.

74. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида”ги ПҚ–5281-сон қарорида:

а) 3-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “Бош вазир ўринбосари – туризм ва спорт вазири А. Абдухакимов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Р.Шаабдурахманов)” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазири А.И. Икрамов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О.Касимов)” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-бандда:

иккинчи хатбошидаги “Бош вазир ўринбосари – туризм ва спорт вазири А.Абдухакимов ва Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Р.Шаабдурахманов)” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазири А.И. Икрамов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О.Касимов)” сўзлари билан алмаштирилсин”;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

в) 5-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Бош вазир ўринбосари – туризм ва спорт вазири А. Абдухакимов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Р.Шаабдурахманов)” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазири А.И.Икрамов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О.Касимов)” сўзлари билан алмаштирилсин”;

г) 6-банднинг биринчи хатбошисидаги “Туризм ва спорт вазирлиги (А.Абдухакимов) Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Р.Шаабдурахманов)” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов) Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О.Касимов)” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 10-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 11-банддаги “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Бобоев) Туризм ва спорт вазирлиги (З.Казаков)” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев) Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (М.Исмаилов)” сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 15-банднинг учинчи хатбошисидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 16-банддаги “Туризм ва спорт вазирлиги (А.Абдухакимов)” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов)” сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 17-бандда:

биринчи хатбошидаги “Бош вазир ўринбосари – туризм ва спорт вазири А.А. Абдухакимов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси Р.М. Шаабдурахманов” сўзлари “ёшлар сиёсати ва спорт вазири А.И. Икрамов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси бош котиби О.О. Касимов” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси К.К. Куранбаев” сўзлари билан алмаштирилсин;

к) 1-иловада:

1-позицияда:

“Чора-тадбирлар номи” устундаги “болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари” ҳамда “олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари” сўзлари тегишинча “спорт мактаблари, ихтисослаштирилган спорт мактаблари” ҳамда “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Масъул ижрочилар” устундаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

3, 4 ва 8-позицияларнинг “Масъул ижрочилар” устундаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

10-позициянинг “Масъул ижрочилар” устундаги “Туризм ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

14-позициянинг “Чора-тадбирлар номи” устундаги “спорт яккакурашларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби” сўзлари “Яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактаби” сўзлари билан алмаштирилсин;

15-позицияда:

“Бажариш муддатлари” устундаги “2023–2024 йиллар давомида” сўзлари “2025–2026 йиллар давомида” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Масъул ижрочилар” устундаги “Спортни ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

16-позиция чиқариб ташлансин;

19-позицияда:

“Бажариш муддатлари” устундаги “2023 йил июль” сўзлари “2025 йил июль” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Масъул ижрочилар” устундаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

20 ва 22-позициялар чиқариб ташлансин;

23-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги”, “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги” сўзлари тегишинча “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги”, “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

24-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

27-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

28 – 32-позицияларнинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

36-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

37 ва 40-позицияларнинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

45-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

46-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

47, 48 ва 50 – 52-позицияларнинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

л) 4-иловада:

1-позицияда:

“Асосий спорт базалари” устунидаги “спорт яккакурашларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби” сўзлари “Яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактаби” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Худудий спорт базалари” устуни 1-бандидаги “болалар-ўсмирлар спорт мактаблари” сўзлари, 5-бандидаги “олимпия ва паралимпия захиралари коллежи” сўзлари тегишинча “спорт мактаблари”, “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-позициянинг “Худудий спорт базалари” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Ангрен шаҳри, “Янгиобод” республика ўқув-машғулоти базаси.

2. Республика олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази.

3. Худудий олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари”;

4-позициянинг “Худудий спорт базалари” устунидаги “болалар-ўсмирлар спорт мактаби” сўзлари “спорт мактаби” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-позициянинг “Худудий спорт базалари” устунида:

1, 3 ва 5-бандлардаги “олимпия ва паралимпия захиралари коллежи” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги “ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби” сўзлари “ихтисослаштирилган спорт мактаби” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-позициянинг “Худудий спорт базалари” устунида:

1-банддаги “ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби” сўзлари “ихтисослаштирилган спорт мактаби” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги “болалар-ўсмирлар спорт мактаби” сўзлари “спорт мактаби” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банддаги “олимпия захиралари коллежи” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

7-позициянинг “Худудий спорт базалари” устунида:

1 – 3-бандлардаги “олимпия ва паралимпия захиралари коллежи” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банддаги “олимпия захиралари коллежи” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

8-позицияда:

“Асосий спорт базалари” устуни 1-бандидаги “ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби”, 4-бандидаги “олимпия захиралари коллежи” сўзлари тегишинча “ихтисослаштирилган спорт мактаби”, “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Ҳудудий спорт базалари” устуни 4-бандидаги “Сув спортига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари” сўзлари “Сув спорти турларига ихтисослаштирилган спорт мактаблари” сўзлари билан алмаштирилсин;

10-позициянинг “Ҳудудий спорт базалари” устуни 2–4, 6, 8, 10 ва 11-бандларидаги “гимнастика спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби”, 5-бандидаги “олимпия ва паралимпия захиралари коллежи” ҳамда 12-бандидаги “олимпия захиралари коллежи” сўзлари тегишинча “Гимнастика спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактаби” ва “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

11-позицияда:

“Асосий спорт базалари” устунидаги “олимпия захиралари коллежи” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Ҳудудий спорт базалари” устунидаги “олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

14-позициянинг “Ҳудудий спорт базалари” устунидаги “енгил атлетика ва спорт ўйинларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби” сўзлари “спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган спорт мактаби” сўзлари билан алмаштирилсин;

15-позициянинг “Асосий спорт базалари” устунидаги “олимпия захиралари коллежи” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

17-позициянинг “Ҳудудий спорт базалари” устунидаги “ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари” ва “олимпия захиралари коллежи” сўзлари тегишинча “ихтисослаштирилган спорт мактаблари” ва “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

19-позициянинг “Ҳудудий спорт базалари” устунида:

2-банддаги “болалар-ўсмирлар спорт мактаби” сўзлари “спорт мактаби” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банддаги “олимпия ва паралимпия захиралари коллежи” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банддаги “енгил атлетика ва спорт ўйинларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби” сўзлари “спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган спорт мактаби” сўзлари билан алмаштирилсин;

20-позициянинг “Ҳудудий спорт базалари” устунида:

1 ва 3-бандлардаги “енгил атлетика ва спорт ўйинларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби” сўзлари “спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган спорт мактаби” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги “болалар-ўсмирлар спорт мактаби” сўзлари “спорт мактаби” сўзлари билан алмаштирилсин;

21-позицияда:

“Асосий спорт базалари” устунида:

1-банддаги “олимпия захиралари коллежи” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги “енгил атлетика ва спорт ўйинларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби” сўзлари “спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган спорт мактаби” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Ҳудудий спорт базалари” устунида:

1-банддаги “енгил атлетика ва спорт ўйинларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби” сўзлари “спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган спорт мактаби” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банддаги “олимпия ва паралимпия захиралари коллежи” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банддаги “олимпия захиралари коллежи” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

22-позициянинг “Ўхшаш спорт базалари” устуниди:

1, 3, 5 ва 8-бандлардаги “олимпия ва паралимпия захиралари коллежи” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банддаги “олимпия захираларини тайёрлаш маркази” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

23-позицияда:

“Асосий спорт базалари” устунининг 1-бандидаги “олимпия захиралари коллежи” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Ўхшаш спорт базалари” устуниди:

2-банддаги “енгил атлетика ва спорт ўйинларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби” сўзлари “спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган спорт мактаби” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банддаги “олимпия ва паралимпия захиралари коллежи” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банддаги “болалар-ўсмирлар спорт мактаби” сўзлари “спорт мактаби” сўзлари билан алмаштирилсин;

24-позициянинг “Ўхшаш спорт базалари” устуниди:

1-банддаги “олимпия ва паралимпия захиралари коллежи” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги “болалар-ўсмирлар спорт мактаби” сўзлари “спорт мактаби” сўзлари билан алмаштирилсин;

3, 4 ва 7-бандлардаги “енгил атлетика ва спорт ўйинларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби” сўзлари “спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган спорт мактаби” сўзлари билан алмаштирилсин;

29-позициянинг “Худудий спорт базалари” устунда:

2-банддаги “олимпия захиралари коллежи” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банддаги “олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари” сўзлари “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банддаги “Сув спортга ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари” сўзлари “Сув спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактаби” сўзлари билан алмаштирилсин;

м) 5-илованинг 3-банди қуйидаги таҳрирда қабул қилинсин:

“3. А.И. Икромов – ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, *комиссия раисининг ўринбосари*”.

75. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “Юриш, югуриш, мини-футбол, бадминтон, стритбол ва “Workout” спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5282-сон қарорида:

а) 3-банднинг олтинчи хатбошисидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банднинг бешинчи хатбошисидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 5-банднинг биринчи хатбошисидаги ва “б” кичик бандининг биринчи хатбошисидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 7-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мазкур қарорнинг ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги – дастурни ижро этиш юзасидан барча зарур чоралар кўрилишини таъминласин, мазкур қарорда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда унинг ижроси бўйича ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари – спорт майдончаларини ташкил этиш параметрларини ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажаришни таъминлаш юзасидан барча чораларни кўрсинлар;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимов ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси А.Д. Хаджаев – мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид брифинглар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсинлар”;

е) 13-бандда:

биринчи хатбошидаги “туризм ва спорт вазирининг” сўзлари “ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси К.К. Куранбаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазири А.И. Икрамов” сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 1-иловада:

4-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Молия вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

7-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси” сўзлари “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Статистика агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

9-позиция чиқариб ташлансин;

10-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Халқ таълими вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги” сўзлари “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

12-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

14-позицияда:

“Амалга ошириш механизми” устунининг 2-банди чиқариб ташлансин;

“Ижро муддати” устунидан “Умумхалқ байрамлари кунларида” сўзлари чиқариб ташлансин;

“Молиялаштириш манбалари” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Масъул ижрочилар” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” ҳамда “Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” ҳамда “Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

15-позициянинг “Масъул ижрочилар” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

16-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“16.	Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимидаги спорт-таълим муассасаларида бадминтон майдонларини ташкил этиш ва уларни замонавий спорт анжомлари билан таъминлаш.	Поп туманидаги 2-сон спорт мактабининг Чодак филиали учун “Олтинкон” маҳалласида 2 та бадминтон майдони қуриш.	2022 йил давомида	Республика бюджети маблағлари	Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Наманган, Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари”;
------	---	--	-------------------	-------------------------------	---

18-позициянинг “Масъул ижрочилар” устундаги “Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

20-позициянинг “Масъул ижрочилар” устундаги “Туризм ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

21-позицияда:

“Молиялаштириш манбалари” устундаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Масъул ижрочилар” устундаги “Туризм ва спорт вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

24-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“24.	Стритбол ва “Workout” бўйича мусобақалар ўтказиш.	Таълим муассасалари, маҳалла, қишлоқ, корхона, ташкилотларнинг стритбол ва “Workout” бўйича жамоалари ўртасида қуйидаги мусобақаларни ташкил этиш:	Ҳар йили	Ижрочилар маблағлари	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон баскетбол федерацияси, вазирлик, идора ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари”;
		1) таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари ўртасида “Рекорддан – янги рекордга!”, “Гиёҳванд моддаларга қарши!”;	Ҳар йили март–апрель		
		2) маҳалла жамоалари ўртасида “Муҳими ғалаба қозониш эмас, балки қатнашиш!”;	Ҳар йили май		
		3) корхона ва ташкилотлар ўртасида “Соғлом танда – соғлом фикр!”.			

25-позицияда:

“Молиялаштириш манбалари” устундаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Масъул ижрочилар” устундаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

26-позицияда:

“Амалга ошириш механизми” устунда:

1-банд чиқариб ташлансин;

5-банддаги “Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари”, “ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари” ҳамда “олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари” сўзлари тегишинча “Спорт мактаблари”, “ихтисослаштирилган спорт мактаблари”, “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Масъул ижрочилар” устундаги “Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 2-иловининг изоҳ қисмидаги “туризм ва спорт вазирининг” сўзлари “ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг” сўзлари билан алмаштирилсин.

76. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–57-сон қарорида:

а) 9-банднинг “б” кичик бандидаги “Туризм ва спорт вазирлиги (У.Азамов)” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (Ш.Махмудов)” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 13-банднинг бешинчи хатбошисидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“15. Савдо-саноат палатаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, “Хунарманд” уюшмаси, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси билан биргаликда 2022 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида ногиронлиги бўлган шахслар томонидан қўл меҳнати билан тайёрланган маҳсулотларнинг кўргазма савдоларини мунтазам равишда ташкил қилиш амалиётини жорий этсин.

Белгилансинки, кўргазма савдолари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган ҳунармандчилик маҳсулотлари савдо павильонларида доимий фаолият кўрсатиши таъминланади.

Савдо-саноат палатаси раиси Д.Ваҳобов мазкур кўргазма савдоларини самарали ва тўлақонли амалиётга татбиқ этиш бўйича шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин”.

77. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–92-сон қарорида:

а) 6-банднинг биринчи хатбошисидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 15-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Етакчининг меҳнатига тўланадиган ҳақ ва бошқа тўловлар, унга нисбатан татбиқ этиладиган имтиёзлар ушбу қарор билан белгиланади”;

в) 2-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси таркиби

- | | |
|---------------------------|---|
| 1. К.К. Куранбаев | - Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси, <i>Комиссия раиси</i> |
| 2. Ж.Т. Жўраев | - Давлат хавфсизлик хизмати раиси ўринбосари, <i>Комиссия раиси ўринбосари</i> |
| 3. А.И. Икрамов | - ёшлар сиёсати ва спорт вазири, <i>Комиссия раиси ўринбосари</i> |
| 4. О.Ф. Тожиев | - Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари |
| 5. <i>Лавозимига кўра</i> | - Олий Мажлис Сенати қўмитаси раиси |
| 6. <i>Лавозими бўйича</i> | - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари |
| 7. Х.У. Умарова | - мактабгача ва мактаб таълими вазири |
| 8. И.Ю. Абдурахмонов | - олий таълим, фан ва инновациялар вазири |

- | | |
|---------------------|---|
| 9. О.А. Назарбеков | - маданият ва туризм вазири |
| 10. С.Б. Артикова | - Бош прокурор ўринбосари |
| 11. С.Д. Мамаюсупов | - Миллий гвардия қўмондони ўринбосари |
| 12. Ҳ.А. Қаршиев | - мудофаа вазири ўринбосари |
| 13. А.И. Икрамов | - ички ишлар вазири ўринбосари |
| 14. Р.О. Каримжонов | - рақамли технологиялар вазири ўринбосари |
| 15. А.Ш. Бекмуродов | - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси ректори |
| 16. О.А. Хасанов | - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат
хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи
ўринбосари |
| 17. А.Ж. Хаджаев | - Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси |
| 18. С.С. Сайидов | - Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси |
| 19. М.М. Хожиматов | - Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари |
| 20. С. Турдиев | - Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-
қувватлаш “Нуроний” жамғармаси бошқаруви раиси |
| 21. А.А. Хаитов | - Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари
кенгаши раиси |
| 22. А.З. Саъдуллаев | - Ёшлар ишлари агентлиги директори, <i>Комиссия масъул котиби</i> |

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахслар киритилади”.

78. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 январдаги “Заковат” интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–96-сон қарорида:

а) 7-банднинг олтинчи хатбошисидаги “олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Тошқулов” сўзлари “олий таълим, фан ва инновациялар вазири И.Абдурахмонов” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 9-позицияси “Ижро учун масъуллар” устунидаги “Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов)” сўзлари “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов)” сўзлари билан алмаштирилсин.

79. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги “2022–2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–98-сон қарорида:

а) 3-илованинг 39-позицияси “Объект номи ва манзили” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-илова 51-позициясининг “Объект номи ва манзили” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Андижон вилояти ҳокимлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 6-иловада:

46-позициянинг “Объект номи ва манзили” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Жиззах вилояти ҳокимлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

48-позициясининг “Амалга ошириш муддати” устунидаги “2021–2022 йй.” сўзлари “2021–2023 йй.” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 7-илова 68-позициясининг “Объект номи ва манзили” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Қашқадарё вилояти ҳокимлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 9-иловада:

47-позициянинг “Объект номи ва манзили” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Наманган вилояти ҳокимлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

48-позициясининг “Амалга ошириш муддати” устунидаги “2021–2022 йй.” сўзлари “2021–2023 йй.” сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 10-илова 75-позициясининг “Объект номи ва манзили” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Самарқанд вилояти ҳокимлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 11-илова 43-позициясининг “Объект номи ва манзили” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Сурхондарё вилояти ҳокимлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 12-илова 15-позициясининг “Объект номи ва манзили” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Сирдарё вилояти ҳокимлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 13-илова 75-позициясининг “Объект номи ва манзили” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Тошкент вилояти ҳокимлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

к) 14-илова 50-позициясининг “Объект номи ва манзили” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Фарғона вилояти ҳокимлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

л) 15-илова 35-позициясининг “Объект номи ва манзили” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Хоразм вилояти ҳокимлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

м) 16-илова 59-позициясининг “Объект номи ва манзили” устунидаги “Туризм ва спорт вазирлиги” сўзлари “Тошкент шаҳар ҳокимлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

80. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 февралдаги “Спортни ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–136-сон қарорида:

а) 5-бандда:

биринчи хатбошидаги “Спортни ривожлантириш вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “Спортни ривожлантириш вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-бандда:

иккинчи хатбошидаги “Спортни ривожлантириш вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “Спортни ривожлантириш вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 7-бандда:

қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“2023 йил 1 июлдан бошлаб ҳар йили Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларига Давлат бюджетидан спорт соҳасини ривожлантириш дастурлари харажатлари учун ажратилган маблағлар (сақлаш харажатлари учун ажратилган маблағлар бундан мустасно)”;

иккинчи – ўн учинчи хатбошилар тегишинча учинчи – ўн тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

учинчи хатбошидаги “Спортни ривожлантириш вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилардаги “Спортни ривожлантириш вазирлигининг” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 8-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “Спортни ривожлантириш вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 10-банддаги “Спортни ривожлантириш вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт” вазирлиги сўзлари билан алмаштирилсин.

81. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 мартдаги “Бокс бўйича Баҳодир Жалолов спорт маҳорати мактабини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–162-сон қарорида:

а) 1-банддаги “Спортни ривожлантириш вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банднинг олтинчи хатбошисидаги “болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари” ҳамда “олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари” сўзлари тегишинча “спорт мактаблари, ихтисослаштирилган спорт мактаблари” ҳамда “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 5-банднинг биринчи хатбошисидаги “Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов)” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов) сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 6-бандда:

биринчи хатбошидаги “Спортни ривожлантириш вазирлиги” ҳамда “Қурилиш вазирлиги” сўзлари тегишинча “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” ҳамда “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “Вазирлар Маҳкамаси спортни ривожлантириш, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, молия вазирликлари” сўзлари “Вазирлар Маҳкамаси Ёшлар сиёсати ва спорт, Иқтисодиёт ва молия вазирликлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 10-бандда:

биринчи хатбошидаги “спортни ривожлантириш вазири А.И. Икрамов ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими Ж.А. Артикходжаев” сўзлари тегишинча “ёшлар сиёсати ва спорт вазири А.И. Икрамов ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими в.б. Ш.Б. Умурзаков” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси К.К. Куранбаев” сўзлари билан алмаштирилсин.

82. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 мартдаги “Гимнастика бўйича Оксана Чусовитина спорт маҳорати мактабини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–163-сон қарорида:

а) 1-банддаги “Спортни ривожлантириш вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банднинг олтинчи хатбошисидаги “болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари” ҳамда “олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари” сўзлари тегишинча “спорт мактаблари, ихтисослаштирилган спорт мактаблари” ҳамда “олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 5-банднинг биринчи хатбошисидаги “Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов)” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов)” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 6-бандда:

биринчи хатбошидаги “Спортни ривожлантириш вазирлиги” ҳамда “Қурилиш вазирлиги” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” ҳамда “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “Вазирлар Маҳкамаси спортни ривожлантириш, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, молия вазирликлари” сўзлари “Вазирлар Маҳкамаси Ёшлар сиёсати ва спорт, Иқтисодиёт ва молия вазирликлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 10-бандда:

биринчи хатбошидаги “спортни ривожлантириш вазири А.И. Икрамов ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими Ж.А. Артикходжаев” сўзлари тегишинча “ёшлар сиёсати ва спорт вазири А.И. Икрамов ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими в.б. Ш.Б. Умурзаков” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси К.К. Куранбаев” сўзлари билан алмаштирилсин.

83. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “Юридик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини янада кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–173-сон қарорининг 2-бандида:

а) бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) олтинчи – ўн иккинчи хатбошилар тегишинча бешинчи – ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ёшлар ишлари бўлими”.

84. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 апрелдаги “Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–201-сон қарорида:

а) 4-банднинг “б” кичик банди бешинчи хатбошисидаги “Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов)” сўзлари “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов)” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-бандда:

